

**ДУНЁ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ:  
МУАММОЛАР, КАМЧИЛИКЛАР, ИЖОБИЙ ХУСУСИЯТЛАР  
УЙЎНЛИГИ**

***Очилова Дилрабо Ибрагимовна***

*Халқаро инновацион университети ўқитувчиси*

*Ўзбекистон, Қарши шаҳри, тел: +99890 8761309*

***Аннотация.** Мақолада глобаллашув жараёни, интернет тизими, ахборот технологияларининг имкониятлари ва қулайликлари, унинг салбий таъсири, интернетга қарамлик ҳамда ёшлар тарбиясидаги назоратсизлик оқибатлари келтириб ўтилган.*

*Шунингдек, ёшлар тарбиясида интернетдан самарали фойдаланиш, интернетнинг афзалликлари, ёшлар онгига мафкуравий иммунитетни сингдириш, ахборот технологияларидан мақсадли фойдаланиш йўллари баён этилган.*

***Калит сўзлар:** глобаллашув, ёшлар тарбияси, интернет, ахборот технологиялари, уяли телефон, мафкуравий иммунитет, соғлом ҳаёт тарзи, виртуал мулоқот, ижтимоий ҳаёт, оила тарбияси, маънавий тарбия.*

***Аннотация.** В статье описываются процесс глобализации, система Интернет, возможности и удобства информационных технологий, их негативные последствия, последствия интернет-зависимости и бесконтрольности в образовании молодежи.*

*Также описаны эффективное использование Интернета в образовании молодежи, преимущества Интернета, привития идеологического иммунитета в сознании молодежи, способы целенаправленного использования информационных технологий.*

***Ключевые слова:** глобализация, образование молодежи, интернет, информационные технологии, мобильный телефон, идеологический*

*иммунитет, здоровый образ жизни, виртуальное общение, общественная жизнь, семейное образование, духовное воспитание.*

Инсон омили, унинг ижтимоийлашуви ва маънавий тарбияси масалалари бугунги кунда жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида ниҳоятда долзарб масалага айланган. Ҳар бир тараққий этган, маданиятли халқнинг ўз тили, урф-одатлари, анъанавий моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Шу боисдан ўзбек халқи ва унинг фарзандлар тарбияси, оилавий муносабатларга бўлган қарашлар тизими жуда юксак даражада кадрланади ва энг муҳим вазифа сифатида қаралади. Кейинги йилларда ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, ташкилий услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги глобаллашув ҳаётидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугун дунёни тўр сингари ўраб олган Интернет тизими орқали истаган одам ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки узатиши мумкин. Одам боласи табиатан янгиликка, ахборотга ташна экан, ўз эҳтиёжларни қондиришда бутун дунё хабарномаси бўлган интернет, ахборот технологиялари таъсири сўнгги йилларда кўп маъқул ва номаъқул оқибатларга олиб келмоқда. Ҳаммамизга маълумки, интернет бирор бир давлат қонунларига бўйсинмаган ҳолда ҳеч кимга ўз фаолияти учун ҳисоб бермайди. Ахборот технологияларининг жадал кириб келиши ҳаётимизда ижобий ҳарактерга ҳам эга, чунки унинг кишилар дунёқараши, билими ва савиясининг кенгайишидаги аҳамиятини инкор этмаймиз. Замонавий технологиялар, бир қанча вазифалар ва қулайликларга эга уяли телефон, интернет, турли мавзулардаги видео-фильмлар туширилган дисклар - ҳозирги ёшларнинг диққат марказида бўлиб қолди. Баъзи ота-оналар фарзандининг ёш бўлишига қарамай, уяли телефон ва интернет тармоқларидан бемалол фойдалана олишини кўриб, хурсанд бўладилар. Бу фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳиятли бўлишлари учун яхши,

албатта. Лекин ота-оналарнинг кўпи болалари телефон орқали нима билан машғул эканлиги билмайди, тўғрироғи, назорат қилмайди. Болакай эса, қўлида телефон, истаган, қизиққан маълумотларини ўртоқларидан кўчириб олиши ва ундан "завқланиши" мумкин [2]. Шунингдек, бу тизим орқали оддий ахлоқий меъёрларга зид порносайтлар ўрин олгани, ушбу замонавий ахборот технологияси маҳсулидан трансмиллий жинояткорона гуруҳлар, террорист ва ақидапарастлар ҳам бемалол фойдаланаётганини кўздан қочириб бўладими?

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов бу каби савол ва мулоҳазаларга эътиборли бўлгани ҳолда “Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад–муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди” деб таъкидлаган эди [1].

Интернет шароитида давлат чегаралари очиқ қолади. Албатта, ҳар бир мамлакат ўз чегараларини имкони борича ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Масалан, Хитой ва Индонезия биринчилар қатори интернет хабарлари учун турли филтрларни ўрнатдилар. Лекин бу борада бизнинг вазирамиз кенг аҳоли қатламида Ўзбекистон манфаатларига зид ахборотга нисбатан иммунитет ҳосил қилишдир. Агар интернет тармоғидаги сайтларни варақлаган фуқарода Ватан туйғуси, ўз халқига нисбатан эътиқоди мустаҳкам бўлса, ҳар қандай бўхтон ва тўқималарга ишонмайди ҳамда ҳар қандай ғайриқонуний ишлар соғлом иммунитетга эга бўлган иймони бақувват, сиёсий маданияти етук инсонларга ёт ғоялар таъсир ўтказма олмайди. Бир қарашда интернетда почтани текшириш ва ижтимоий тармоқларда мулоқот қилиш, ўйин ўйнаш оддий нарса бўлиб кўринади. Бу каби "хавфсиз" ҳаракатлар қандай қилиб шахснинг таназзулига олиб келиши мумкин? Аслида интернетда кўп вақт ўтказган киши вақт тушунчасидан узоклашиб боради, яқинлари, дўстлари билан

мулоқот қилишни орқага суради ҳамда организмнинг табиий эҳтиёжларини эътиборсиз қолдиради. Вақт ўтиши билан соғлом ҳаёт тарзи ўзгариб, одамнинг руҳияти ва соғлиғига салбий таъсир ўтказди. Интернетга қарам бўлиб қолган ёшларга виртуал мулоқот ёлғон эркинликни, гуёки ҳамма нарсага қодирлик ҳис-туйғусини бахш этади. Аини вақтда реал ҳаётда ҳал этилмаётган муаммолар ва ечилмаган масалалар йиғилиб бораверади.

Интернетга қарамлик оддий касалликларга ўхшаб ўз белгиларига эга: вақт тушунчасига эга бўлмаслик - ярим соат ишлайман деган ният билан интернетга кирган киши аслида ҳар хил сайтларга киравериб, бир неча соат вақт ўтганини сезмай қолади; табиий эҳтиёжларни қондирмаслик - нима бўлишидан қатъий назар, ҳаёт тарзини яхшилаш мақсадида инсон ўз танасидаги эҳтиёжларга қулоқ солиши керак. Интернетга шўнғиган киши узоқ вақт таом емаслиги, кам ухлаши, ҳатто ҳожатга ҳам чиқмаслиги мумкин. Бундай ҳолатлар жиддий касалликларга олиб келади. Жумладан, ижтимоий ҳаётдан воз кечиш, қизиқарли тадбирлар, йиғилишлар интернет касаллиғига дучор бўлган шахс учун зерикарли бўлиб туйилади. Буларнинг ўрнига виртуал мулоқотни афзал кўради. Дўстлари ва яқинлари билан жонли мулоқотни унутади. Ачинарлиси, Интернет тизими орқали олинаётган ахборот ва маълумотлар оқими ёшлар томонидан тўғридан-тўғри "филтрлашсиз" қабул қилимоқда, бу эса улар онгини захарлаб, маънавий-ахлоқий дунёсини заифлаштирмоқда. Бунга ўхшаш ҳолатларнинг олдини олиш учун маънавий тарбияни оиладан, яъни боланинг илк тасаввурлари, тушунчалари шаклланадиган даврдан бошлаш мақсадга мувофиқдир [3].

Шунингдек, интернетдан фойдаланишни тартибга солиб, провайдерлар назоратини кучайтириш керак. Бу эса ўз навбатида, интернетдаги салбий ахборотларнинг олдини олади. Ёшлар интернетга кириб реал ҳаётдан узоқлашиб қолаётганини хориж тажрибаси мисолида кўришимиз мумкин. Бугунги кунда интернет-кафеларда бизнинг айрим ёшларимиз ҳам ўзларининг вақтини йўқотмоқда. Интернет-кафеларга иш

юзасидан кирар эканмиз, аксарият ҳолатда, дарс пайти мактабдан “қочган” ўқувчи компьютерда турли хил ўйинларни ўйнаётганини ва чат орқали гаплашаётганини кўрамиз. Афсусланарли ҳолат шундаки, улар ўзларининг вақтини беҳуда ўтказиб, “эзгулик йўлида” ваҳшийларча ўлдириб, дунёни “кимдандир ёки нимадандир” халос этадигандай ўйинлар гирдобига тушиб бормоқда.

Биз ушбу мавзу доирасида асосий эътиборимиз бу борада мавжуд ва ортиб борайтган муаммо ва хавфларни олдини олиш йўллариغا тўхталар эканмиз, аввало интернетдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиш ва унинг фойдали манбалари асосида ўз дунёқарабини кенгайтириш, ғаразли маълумотларни инкор эта билиш идрокини, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ғоят муҳим эканлигини билишимиз керак. Шунингдек, оила тарбиясида ҳар бир ёш маълум бир кўникма ва билимларга, диний ва дунёвий илмларнинг моҳиятини тушуна олиш қобилиятига эга бўлиши, дунёда кечаётган сиёсий ва иқтисодий жарёнларга бефарқ бўлмаслигига, аввало, ўзининг тақдири, келажаги олдидаги маъсулият эканлигини, иккинчидан, ватани ва ҳалқи олдидаги бурчи сифатида тушунмоғи лозимлигини тарбиявий жараёнда болалар онги ва қалбига сингдириб бориш устувор вазифаларимиздан биридир [4].

Катта ёшдаги, ҳаёт тажрибасига эга бўлган баъзи ота-оналар фарзандларининг кийинишда, муомалада, атрофидаги одамлар билан бўлган муносабатида, орзу ва интилишларида ғарбона хулқ-атвордаги салбий жихатлардан ўрناق олаётганликларига бепарво бўлишлари, баъзан уларни рағбатлантиришлари ёш авлод тарбиясида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бугунги шиддатли глобаллашув даврида ёшлар онгу шуурини интернет орқали кириб келаётган зарарли ғоя ва таъсирлардан самарали ва ишончли ҳимоялаш тобора долзарб аҳамиятга эга. Бу эса ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ота-оналардан янада ҳушёр ва огоҳ бўлишни, ёш авлоднинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини

мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни талаб қилади.

Ёшларимизнинг аجدодларимиздан қолган бой, маънавий меросини ўқиб-ўрганиш, теран англаши уларни комиллика етаклайди. Интернет тармоқлари орқали дунёни билишлари эса уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошишига замин яратади. Шу маънода сўз юритадиган бўлсак, ўтмишини кадрлаб, келажакка юз тутган юртнинг ворислари ўтмиши каби келажаги ҳам буюк юртни дунёга танитишади.

Хуллас, ривожланган жамиятимизда техника, ахборот технологияларининг ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши, унинг ижобий томонларидан мақсадли фойдаланиш, бу аввало инсоннинг соғлигини тиклашдан тортиб, иқтисодини яхшилаш, маънавиятини ахборотлар билан бойитиш хусусида ва бошқа соҳаларда самарали фойдаланиш унинг келажаги учун ҳам, инсон ҳаётидаги муваффақиятлар омили сифатида хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -Б. 113
2. Отамуротов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: “Янги авлод”, 2008.
3. Равшанов Ф. Миллий маънавиятга таҳдидлар. - Тошкент: Маънавият, 2013 йил 22-бет.
4. Қодиров Б., Жуманиёзов Х. Глобаллашув шароитида ёшларда ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғусини тарбиялаш масалалари. -Т., 2015.